

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил январь ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Рахимов, судья ёрдамчиси Д.Валиеванинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтохур туман прокурори катта ёрдамчиси М.Бердикиличова, судланувчи Р.Мирзаев, унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Шайхонтохур адвокатлари” адвокатлар хайъати адвокати У.Якубова ва жабрланувчи Г.Баратованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган:

Мирзаев Рустам Хусанович (Mirzayev Rustam Xusanovich) – 02.12.1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, иш бўйича “Тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 19-мавзе, 2-уй, 22-хонадонда истиқомат қилувчига

нисбатан 1-1003-2203/27-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд тарафларнинг кўрсатувларини, ишда қатнашаётган давлат айбловчиси фикрини эшитиб, жиноят иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, судланувчи Р.Мирзаев 2020 йил 10 октябрь куни тахминан соат 20:30 ларда, алдаш ва ишочни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкани қўлга киритиш мақсадида, Шайхонтохур тумани, Янги камолон маҳалласи, Асатилла Хўжаев кўчаси 2-уй 31-хонадонда, шу ерда бўлган фуқаро Баратова Гулнора Ганиевнага ўзини “Тошиссиққуват” ИЧБ УК Шайхонтохур тумани бўлими ходими сифатида таништириб, ушбу хонадонинг иссиқ сув таъминотидан 1.000.000 сўм миқдорида қарздорлиги борлигини билдириб уй эгасидан ушбу қарздорлигини ёпиб беришни айтиб, 1.000.000 сўм пулларни олиб кетиб, ушбу пул маблағларини ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Натижада, фуқаро Г.Баратовага 1.000.000 сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлиб, дастлабки тергов давомида етказилган моддий зарар Р.Мирзаев томонидан ихтиёрий равишда қоплаган.

Суд муҳокамасида судланувчи Р.Мирзаев ва жабрланувчи Г.Баратовалар ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.



Судланувчи Р.Мирзаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган ва жиноят иши айблов далолатномаси билан судга тақдим этилган.

Судланувчи Р.Мирзаев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Г.Баратова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Р.Мирзаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси 2-қисмида “*огир ёки ўта огир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди*” деб белгиланган.

Суд, жабрланувчи Г.Баратова ва судланувчи Р.Мирзаевларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчиси ҳамда ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи Р.Мирзаевни айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи Г.Баратова ва судланувчи Р.Мирзаевга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув тарафларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, Р.Мирзаевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Г.Баратовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқни йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 497¹¹, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м к и л а д и,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан судланувчи **Мирзаев Рустам Хусанович**га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми тартибида тугатилсин.

Р.Мирзаевга мазкур жиноят иши бўйича қўлланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Г.Баратовага етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Г.Баратовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилсин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ЖПКнинг 497²-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, агар ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи судья:

Б.Рахимов

Маъсул судья: Рахимов Бобир Истамович

